O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO'MITASI
QASHQADARYO VILOYATI DAVLAT SOLIQ BOSHQARMASI
GUZOR TUMANI DAVLAT SOLIQ INSPEKSIYASI
180300, Guzor tumani, O'zbekiston ko'chasi Tel: (75) 552-22-74, Faks: (75)-552-16-28

«14»10»2022 yil. 14-4-56-DSI/2022-son

# Олди-сотди шартнома

(Қурилиш моллари олиш учун)

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Гузор тумани ДСИ** номидан Устав асосида иш кўрувчи бошлик в.б. **С.С.Бобоқулов** бир томондан, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритиладиган "LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ номидан **Устав** асосида харакат килувчи корхона рахбари **А.Ғуломов** билан **Гузор тумани ДСИ** даги курилиш-монтаж ишларига курилиш молларини амалга ошириш бўйича мазкур таъминот шартномасини тузди лар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади;

-ижро хужжатлари – етказиб берилаётган махсулотларни бажариш учун масъул бўлган шахсларга куйилаётган талабларнинг аник ёритилиши, сифат кафолати, етказиб бериладиги махсулотларга куйиладиган техник улчамлар ва меъзонлар.

Етказиб берувчига курилиш майдонига махсулотларнинг уз вактида олиб келиб беришидаги талабнинг юклатилиши;

-шартномада махсулотларнинг хар бир категорияси ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда курсатиш бўйича умумий қийматини таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Таъминотчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Кашькадарё вилояти Ғузор тумани "LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ жорий объектида кузда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун бирламчи зарур булган курилиш молларини етказиб бериш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Таъминотчи учун зарур шароитлар яратиш, ишларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи томонидан бажариладиган ишлар киймати барча соликлар, йиғимлар, ажратмалар ва Таъминотчининг бошқа харажатларини

ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қўшилган қиймат солиғи билан бирга **15 516 000** ***(ўн беш миллион беш юз ўн олти минг)*** сўмни ташкил этади.

4. Қурилиш молларининг умумий қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини узгартирилишига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- махсулотлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Таъмирлаш ишлари чузилиб кетганда( бир йилдан ортиқ бўлганда) шартномавий нархларигааниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Таъминотчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ТАЪМИНОТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Таъминотчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча етказиб берилаётган махсулотларнинг уз вактида сифатли ва кафолатли бўлишини таъминлаши

- қурилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмларни етказиб бериш, уларни тушириш, омборга жойлаш таъминлайди;

- Буюртмачини уз вактида хабардор килиш (кузда тутилмаган холатларда кечикиш булганда)

- мазкур шартнома бўйича таъминотчи ишлар бошланган санадан бошлаб 1 ой муддатда таъмирлаш манзилига ўзига тегишли қурилиш материаллари етказиб берилишини таъминлаши таъминлаш;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Таъминотчи мавжудлигини кафолатлаган сумманинг 90% га тенг бўлган кисмини бажариш мажбуриятини олади.

9. Таъминотчи Буюртмачига барча етказиб берилган курилиш молларини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим килади.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- ишлар бажарилиши устидан доимий сифат назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Таъминотчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш хамда сифатли курилиш молларини кабул килиб олишни таъминлаш;

- Таъминотчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул килиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Таъминотчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Таъминотчига хизматни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса Таъминотчи олдида тулиқ жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Таьминотчи мазкур шартномага илова килинган курилиш молларини жадвалига мувофик етказиб беради.

15. Курилиш молларини **«31» «октябр» 2022 йилгача** етказиб топширилиши белгиланади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича махсулотлар умумий жорий қийматининг 30% микдорида аванс ўтказади, бу **4 654 800** ***(турт миллион олти юз эллик турт минг саккиз сум)*** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Таьминотчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблаглар буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан ун банк кунида молиялаштирилади ва колган 90 % миқдоридаги тўлов махсулот етказиб берилиши мобайнида хамда Буюртмачи ва Таьминотчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш етказиб берилган махсулотлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Таьминотчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойининг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш моллари микдори, харажатлари тўгрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб такдим килади. Буюртмачи эса курилиш-молларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

21. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган ишлар микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Таьминотчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

22. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – таьминот булимига тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Таьминотчи корхона томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

23. Таьминотчи булими вакили ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

24. Агар Буюртмачи Таьминотчидан олган курилиш молларининг сифатсизлиги сабабли бажараётган ишларининг сифатиги таьсир килганлиги аниқласа, у ҳолда Таьминотчи ўз кучлари билан кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Таьминотчи сифатсиз курилиш моллари оркали етказган зарарини келишилган муддатларда тузата олмаса, Таьминотчи уларни тузатишнинг кечиикиши окибатида етказилган зарарларни барчасини Буюртмачига тўлайди.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва

лар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чузилса, у холда Таьминотчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни узгартириш килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## XI. КАФОЛАТЛАР.

28. Таьминотчи:

- барча ишларни тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- хужжатларга хамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сифатини, уларнинг хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- махсулотларни қабул қилишда фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Таьминотчи ва Буюртмачининг икки томонлама хужжатда кайд этилади.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

29. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланишидан олдин Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Таьминотчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Таьминотчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Таьминотчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Таьминотчи томонидан шартнома шартларига мувофик қурилиш моллари сифатсизлиги сабабли назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хуқуқига эга.

30. Таьминотчи:

- ишларнинг бажарилиши Таьминотчи боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

31. Мазкур шартномани бекор килишга карор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

32. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

35. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Таьминотчи олдида куйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- буюртмачининг хисоб рақамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини 15 банк кунида сабабсиз Таьминотчининг хисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда кабул килиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига муофик сифатли курилиш молларини кабул килиш учун такдим килинганда асоссиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

36. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Таьминотчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

-Махсулотларни етказиб бериш жадвалида белгилангандан кам микдорда олиб келса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан хар кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда пеня тўлайди.

- Етказиб бериш даврида белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

37. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

38. Томонларнинг жавобгарликка тортилиб тўлайдиган, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 15% ошмаслиги керак.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

39. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

## XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

42. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.

43. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари қўлланилади.

44. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

46. Мазкур шартнома **«31» «декабр» 2022 йилгача** амал қилади.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ТАЪМИНОТЧИ

| | |
|---|---|
| Ғузор тумани ДСИ | "LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ |
| Манзили: Ғузор туман Ўзбекистон кўчаси | Манзили: Ғузор туман Ўзбекистон кўчаси |
| 75-552-22-74 | |
| Х/р: **400110860102077011332093001** | Х/р: **20208000204711216001** |
| СТИР: 200676546 | 300860465 |
| Марказий банк | Миллий банк |
| МФО : 00014 | МФО: 00450 |

Директор ________________ **С.С.Бобокулов** **Директор** ________________ **А.Ғуломов**

М.Ў.

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | SAMAD BOBOQULOV SAYLOVOVICH |
| | Imzolangan sana | 14.10.2022 16:11 |
| | Hujjat kodi | **EH8347373148** |
| | Xulosa kodi | **HP7755832407** |

«Бажарувчи»

"LAKRO STROY SERVIS" МЧЖ
(мол етказиб берувчи номи)

Манзили Ғузор туман Ўзбекистон кўчаси

тел факс 91-640-01-01
х р 20208000204711216001
банк номи Миллий банк
МФО 00450 СТИР 300860465
ОКОНХ
ХККМ

«Буюртмачи»

Ғузор туман Давлат солиқ инспекцияси
(бюджетдан маблағ олувчи номи)

Манзили **Ғузор туман Ўзбекистон кўчаси 18-уй**

тел/факс 75-552-22-74
ш х/в **400110860102077011332093001**
Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи **200676546**
ОКОНХ

Ғазна х/р 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк
МФО 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

**2022 йил 14 октябрдаги №14-4-56-DSI/2022-сонли шартномага Спецификация**

| № | Хизмат тури | Улчов бирлиги | Сони | Суммаси | Жами суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Профиль металлический | тонна | 2,155 | 7200000 | 15516000 |
| | | | | | |
| | Жами | | | | 15516000 |

**Жами 15 516 000 (ун беш миллион беш юз ун олти минг сум)**

«Бажарувчи»
А.Ғуломов
(раҳбар имзо)

«Буюртмачи»
С.Бобокулов
(раҳбар имзо)
М.У.

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**
**Ғузор туман Давлат солик инспекцияси бошлиғи**
**_________ С.Бобокулов**
**«14» октябр 2022 йил**

Ғузор туман Давлат солик инспекциясида буюртмачилиги асосида ювиниш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун курилиш моллари харид килиш комиссиясининг

**ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ**

| | |
|---|---|
| **Комисcия раиси** | **Ж.Хуррамов** |
| **Комисcия котиби** | **З.Файзиева** |
| **Комисcия аъзоси** | **Ф.Бекмуродов** |
| **Комисcия аъзоси** | **О.Жайловов** |
| **Комисcия аъзоси** | **Р.Абдурахмонов** |
| **Комисcия аъзоси** | **А.Абраев** |

**Кун тартибидаги масала:**

Ғузор туман Давлат солик инспекциясида буюртмачилиги асосида ювуниш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун курилиш моллари харид килиш тўғрисида Комиссия танлов конкурсига катнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб Инспекция буюртмачилиги асосида ювиниш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун курилиш моллари харид килишда 3 та хусусий корхона катнашаётганлигини эълон қилди Улар қуйидагича:

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 11 октябр кунида лот №158690-сонли протокол эълон куйилгандан кейин 4 та ташкилот узини таклифлари билан катнашди ва энг юқори балл "Лакро строй сервис" МЧЖ олди ва 2 кун мухокамага куйилди хамда бошка эътирозлар булмагандан кейин "Лакро строй сервис" МЧЖ билан шартнома тузилди.

**ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ**

1. "Лакро строй сервис" МЧЖ хусусий корхонаси ғолиб деб топилсин.
2. "Лакро строй сервис" МЧЖ хусусий корхонаси томонидан тавсия этилган ДСИ буюртмачилиги асосида ювиниш хонаси ва сув хавзасини таъмирлаш учун курилиш моллари ғолиб деб топилди.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш Ш.Йўлдошев зиммасига юклатилсин

| | |
|---|---|
| **Комисcия раиси** | **Ж.Хуррамов** |
| **Комисcия котиби** | **З.Файзиева** |
| **Комисcия аъзоси** | **Ф.Бекмуродов** |
| **Комисcия аъзоси** | **О.Жайловов** |
| **Комисcия аъзоси** | **Р.Абдурахмонов** |
| **Комисcия аъзоси** | **А.Абраев** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

HP7755832407

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Qurilish mollari olish uchun oldi sotdi shartnoma haqida;**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Guzor tuman davlat soliq inspektsiyasi tomonidan 14.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

G‘uzor tuman yuridik markazi markaz rahbari: **B.A.AVAZOV**

14.10.2022